O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 28 январь, чоршанба • № 8 (10.991) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРНИНГ РОССИЯДАГИ ЭЪТИРОФИ

26 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирни иқтисодий академия президенти Виталий Видяпин очиб, юксак илмий унвонни Ислом Каримовга тақдим этиш сабаблари, ўзи раҳбарлик қилаётган илм масканининг тарихи, бугунги кундаги фаолияти ҳақида сўзлади. В. Видяпин давлатимиз раҳбарига Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломини ҳамда таомил бўйича докторлик либоси ва эсдалик медални тақдим этди.

Президент Ислом Каримов ўзининг Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори дипломига сазовор бўлиши Россия илмий жамоатчилиги томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасининг холисона эътирофи, халқимиз эришаётган ютуқларнинг муносиб баҳоланишидан далолатлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақиллик йилларида эришган ютуқлар борасида тўхталиб, мазкур натижаларнинг қўлга киритилишида, баъзи МДҲ давлатларида бўлгани каби, «инқилобий сакрашлар» эмас, балки ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш бош мезон қилиб олиниши муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади. Шунингдек, Ислом Каримов ислоҳотларни амалга ошириш ва иқтисодий ўсишга эришиш йўлида республика раҳбарияти беш муҳим тамойилга таянганини айтди. Булар — иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат ҳамда эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш. Бу тамойиллар асосида Ўзбекистон ўз моделини яратди ҳамда ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Ўзбекистоннинг ўзига хос бу модели ҳозир хориждаги кўплаб мутахассислар томонидан ўрганилмоқда ва биз ҳақли равишда бундан фахрланамиз, деди Президент.

Ислом Каримовнинг халқаро илмий доираларда катта нуфузга эга бўлган мазкур иқтисодий академиянинг фахрий доктори унвонига сазовор бўлиши Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар, туб ислоҳотлар самарасининг яна бир эътирофидир, деб таъкидлади В. Видяпин. Россиялик олимнинг эътироф этишича, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида ялпи ички маҳсулот ҳажми сезиларли ўсаётган ягона давлатдир. Бу борада республикада эришилган кўрсаткичлар МДҲда энг юқоридир. Мамлакат белгиланган мақсадларга етишиш учун изчиллик билан олға одимламоқда. Бунда Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси беқиёс экани эса нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам яхши маълум, деди В. Видяпин. Энди эса, унинг мамлакатда туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, халқ хўжалигини тараққий эттириш, фуқаролар фаровонлигини ошириш йўлидаги хизматлари Россиядаги йирик илм маскани томонидан ҳам муносиб баҳоланди.

Россия илмий жамоатчилиги Ислом Каримовнинг яқинда Москвада кенг жамоатчиликка тақдим этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига ҳам юқори баҳо берди. Ўзбекистон раҳбарининг Россия иқтисодий академиясининг фахрий доктори унвонига сазовор бўлишида Ислом Каримовнинг ана шу асари ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Россия иқтисодий академияси 1907 йили ташкил этилган. Дастлаб у «Тижорий таълим тарқатувчи Москва жамоатчилигининг Тижорат институти», деб аталар эди. 1991 йилда институт иқтисодий академияга айлантирилди. Ҳозир унинг таркибида молия, маркетинг, банк ва суғурта институтлари, илмий-тадқиқот бирлашмаси, иқтисодий кибернетика, товаршунослик, бошқарув сингари кафедралар, магистрлар тайёрлаш маркази, аспирантура ва докторантура, кўпгина бошқа тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий академияда 12 минг нафар талаба таҳсил олади. Унда икки юзга яқин профессор ва фан доктори, беш юздан ортиқ фан номзоди меҳнат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик, идора, йирик илмий муассасаларнинг раҳбарлари ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Маросимда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТДА: диплом топшириш пайти. Р.ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

таваллудингизнинг олтмиш йиллиги муносабати билан Хиллари ва менинг самимий қутловларимизни ҳамда умрингиз узоқ ва баракали бўлсин, деган эзгу тилакларимизни қабул айлагайсиз.

Сиз шу табаррук ёшга етган кунларингизда Ўзбекистоннинг 1991 йилдан буён ҳайратга тушарли даражада эришган улкан ютуқларига назар ташлаш учун ўта масъулиятли вазифаларингиздан бирозгина бўлса-да фурсат топарсиз, деб умид қиламан.

Хиллари ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Сизнинг самимий меҳмондўстлик кўрсатганингизни ҳаяжон билан эслайди. Ўзбекистонда унга тақдим этилган ажойиб совғалар учун Сизга шахсан ташаккур изҳор этишдан бахтиёрман.

Янги йил Сиз учун янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат йили бўлишидан умидворман.

Камоли эҳтиром ила,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

ТАЖРИБА ЎРГАНИШМОҚДА

ЕРГА, мулкка, меҳнатга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш қишлоқда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий шартларидандир. Маълумки, Оққўрғон тумани хўжаликларида бу соҳада бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси туманда ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида қилинаётган ишларни ўрганиш ва хўжаликларда кенг ёйиш мақсадида "Оққўрғон" ширкатлар уюшмасида вилоят кўргазмали семинар кенгаши ўтказяпти. Белгиланган иш тартиби бўйича дастлабки куни семинар-кенгашда Бекобод ва Бўка туманлари ҳокимлари ва уларнинг биринчи муовинлари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар, бош ҳисобчи ва иқтисодчилар қатнашдилар.

Кенгашни вилоят ҳокимининг биринчи муовини, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Уммат Мирзақулов бошқарди.

Оққўрғон тумани ҳокимининг биринчи муовини Рустам Холматов ва "Оққўрғон" ширкатлар уюшмаси раиси Қодир Элчибоев иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қилинаётган тажрибалар ҳақида батафсил сўзлаб бердилар. Шундан сўнг вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари семинар-кенгаш қатнашчиларининг саволларига батафсил жавоб бердилар. Шу куни семинар-кенгаш иштирокчилари тумандаги С. Сегизбоев номли халқ корпорациясида ҳам бўлиб, бу ерда техникани таъмирлаш ишларининг бориши билан танишдилар.

Семинар-кенгаш уч кун давом этиб, унда вилоятнинг барча туманлари вакиллари иш ўрганадилар.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

СЕРМАЗМУН КУНЛАР

СЎНГГИ кунларда республикамиз, халқимиз ҳаёти, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатига бевосита даҳлдор воқеалар, давлатлараро мулоқотлар, анжуманлар, учрашувлар, тақдимотлар бўлиб ўтди. Улар жаҳон жамоатчилигининг, юртдошларимизнинг эътиборига тушди.

➡ 23 ЯНВАРЬ куни Тошкентда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ижросига тааллуқли вазифаларнинг ижросига тегишли масалалар кўриб чиқилди. Президентимиз кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг ўзига хослиги, унинг миллий модел эканлигини таъкидлади ва таълим-тарбия, ўқув юртлари фаолиятини қайта ташкил этиш юзасидан қатор қимматли таклифлар киритди.

➡ ОЛМОНИЯ Федератив Республикаси пойтахти Боннда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг немис тилида чоп этилган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда чет эл дипломатлари, давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчи ва шарҳшунослар, ишбилармонлар, Бундестаг депутатлари ва журналистлар қатнашдилар. Сўзга чиққанлар мазкур асарнинг немис китобхонлари жавонларидан муносиб ўрин олажаклигини алоҳида таъкидладилар.

➡ ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бошчилигидаги делегация Японияга ташриф буюрди. Дастурга мувофиқ 25—28 январь кунлари делегациянинг япон ишбилармон доиралари вакиллари, қатор вазирлик ва идоралар, йирик савдо компаниялари, шунингдек, "Мицубиси корпорейшн", "Сумитомо корпорейшн", "Мицуи ва Ко" раҳбарлари билан учрашуви ва музокаралари бўлиб ўтади.

➡ ПОЙТАХТИМИЗДА санацияга киритилган қишлоқ хўжалик корхоналарига тайинланган ташқи бошқарувчиларнинг республика семинар кенгаши бўлди. Уни бош вазирнинг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. Жўрабеков бошқарди.

➡ ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мажмуага кирувчи вазирлик, қўмита, компания ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисни бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

➡ ЎЗБЕКИСТОН Прокуратураси ҳайъатининг пойтахтимизда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ўтган йилда прокуратура идораларининг қонунийликни таъминлашга доир ишлари якунлари ва бу йилги вазифалар муҳокама қилинди. Мажлисни республика Бош прокурори Б. Мустафоев олиб борди.

Вилоят ҳокимлигида

"ТАСВИРИЙ ОЙНА"НИНГ ТАЪСИС ЙИҒИЛИШИ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Тасвирий ойна ижодий уюшмасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди.

Куни кеча "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг муовини А. Раҳимбердиев олиб борди.

Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокимлиги котибияти мудири Х. Шафоатов ахборот берди. Диёр Мирзаахмедов "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси этиб тасдиқланди.

Йиғилишда "Тасвирий ойна" республика ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов қатнашди ва сўзга чиқди.

ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

КУНИ КЕЧА вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар залида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилояти ташкилотининг XXIII — ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ҳисобот-сайлов конференциясини вилоят ҳокими муовини А. Раҳимбердиев олиб борди. Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилояти ташкилоти раиси вазифасини бажарувчи Жўра Холматов ҳисобот маърузасини қилди. Конференцияда сўзга чиққанлар Тошкент вилояти ташкилотининг ҳисоботини қониқарли, деб топишди. Шунингдек, вилоят ташкилоти қўмитасининг янги аъзолари ва ташкилотнинг тафтиш ҳайъати аъзолари, республика Қизил Ярим ой жамиятининг XXIII қурултойига вакиллар сайландилар.

Шу куни Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилояти ташкилоти қўмитаси янги сайланган аъзоларининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Ташкилий пленумда илгари Зангиота тумани қўмитаси раиси бўлиб ишлаб келган Муфаррах Каримова Тошкент вилоят ташкилоти қўмитасининг раиси этиб сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти бошқаруви раиси Ўктамхон Воҳидова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Танқидга муносабат

КИБР—ҲАВОМИ ЁҲУД ТАН ОЛМАСЛИКМИ?!

Аввало Бўка, Пскент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари ҳокимлари диққатига, қолаверса, фақат уларгагина эмас...

Одамларнинг дардига, уларни қийнаётган муаммолар ва камчиликларга "ҳадеганда қулоқ солавермаймиз, чоғи. Ҳарқалай, сиз бош бўлган оиланинг, жамоанинг, ташкилот ва муассаса ходимларининг юрак уриши, дам олиши, нималардан рози-ю, нималардан норизо эканлигидан огоҳ бўлиш, ҳеч бўлмаса, кимларгадир мурувват қўлини чўзиш, ўз-ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай каттаю-кичик раҳбарларга хос фазилат эмасми?

Агар таъбир жоиз бўлса, бугунги кун раҳбари ўз тасарруфидаги ташкилотларга маънавий ота, раҳнамо бўлиши шарт.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов 1998 йилни Оила йили деб эълон қиларканлар: "Агар оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради", деб яхши ният қилдилар.

Тўғри, инсон тафаккурини, дунёқарашини бир зарб билан ўзгартириш, ўтган шўровий сохта тамойиллардан халос бўлиш осон иш эмас.

Бугунги кунга келиб, газетамиз саҳифаларида чоп этилаётган танқидий фикрларга айрим шаҳар ва туманларимиздаги раҳбар ходимлар имкони борича эътибор бермасликка ҳаракат қилишмоқда. "Ҳа, энди, иш бор жойда хато ва камчиликлар ҳам бўлади-да", қабилида ўйловчилар топилиб туради. Айрим кишилар матбуот танқидига танқид қилинувчининг тақдирини бир зумда ҳал қилиб юборадиган восита сифатида қарашга ўрганиб қолган. Ёки баъзи ташкилотларнинг, муассасаларнинг катта ва кичик раҳбарлари улар шаънига айтилган ҳар қандай танқидий фикрни кўтаролмайдилар. Худди бу танқиднинг уларга алоқаси йўқдай, беписандлик ва калондимоғлик билан юраверадилар.

Даъво қуруқ бўлмасин... Ана шундай лоқайдлик Бўка тумани ҳокимлиги тасарруфидаги баъзи мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иш фаолиятида тез-тез учраб турадиган ҳодисадир.

Газетамизнинг 1997 йил, 29 октябрь, 86-сонида "Мингчинорнинг минг бир дарди" номли танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Бўка тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси М. Холиқованинг куюниб ёзишига қараганда Бўка шаҳридаги "Мингчинор" истироҳат боғи ғоятда ачинарли аҳволга тушиб қолган. Туман коммунал хизмат кўрсатиш хўжалиги раҳбари Абдуғаффор Юсупов истироҳат боғидаги дарахтларни ўз ишчиларига кесиш учун рухсат бериб юборгани маълум қилинганди. "Қўмитамизнинг рухсатини олмасдан дарахт кесганлиги учун туман коммунал хўжалиги бошлиғи А. Юсуповга 2250 сўм жарима солинди ва айни вақтда келтирилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун 9000 сўм товон пули ундириб олинадиган бўлди", деб хабар берган эди муаллиф.

Аммо газетамизнинг Хатлар, ахборот ва оммавий ишлар бўлими ходимларининг бир неча бор эслатишига қарамай, Бўка тумани ҳокимлигидаги масъул кишилар "Мингчинор" истироҳат боғи хусусида қандай чора-тадбирлар белгиланганги ҳақида таҳририятимизга ҳалиҳануз ҳеч нарса маълум қилишгани йўқ.

Шунингдек, газетамизда эълон қилинган "Бетга айтганнинг заҳри йўқ" (1998 йил, 10 январь, 3-сон) сарлавҳали туманда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг оқсаётгани, айниқса, жамоат ҳаммомларининг ночор аҳволи ҳақидаги танқидий мақола ҳам ўзига жавоб ахтариб овора-ю сарсон эканлигини бўкалик мутасаддди ташкилот раҳбарлари билишармикан?!

Пскент тумани ҳокимлигидаги чорвачилик ишига даҳлдор кишиларнинг газетамиз танқидий чиқишларига жавоб хати йўллашларини кута-кута чарчадик. Жилла қурмаса, улар "Чорвачиликнинг тақдири кимлар қўлида?" (1997 йил, 3 декабрь, 96-сон) дейилган вилоятимиздаги хусусийлашган ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган чорвачилик фермаларидаги аҳвол таҳлил қилинган саҳифадаги танқидий фикрларга бир назар ташлаб ҳам қўймадилар. Кўринишдан пскентлик "оғайнилар" ҳар сафар бўлганидек, бу дафъа ҳам индамасликка қарор қилишган, чоғи.

Ўртачирчиқ тумани ҳокимлигидаги масъул шахслар эса чоп этилган танқидий фикрларга эътибор бермаслик, имкони борича индамаслиқда "шохсупа"га кўтарилганликларига нима дейсиз? Улар газетамизда эълон қилинган "Зора энди бартараф этилса" (1997 йил, 24 декабрь, 102-сон) танқидий фоторепортажга, юқоричирчиқлик раҳбарлар эса "Таҳририятга мактуб" рукни остида берилган "Сув ва чироқ катта муаммо" (1998 йил, 5 январь, 2-сон) сарлавҳали танқидий мақолалар юзасидан кўрилган чора ва тадбирлар ҳақида жавоб хати йўллашни ўзларига эп билишмади. Таҳририят Хатлар, ахборот ва оммавий ишлар бўлимининг хат қутисида эса, бу туманда газ, сув ва чироқ муаммоларига, мактаб ва боғчаларнинг ночор аҳволда эканлиги ҳақидаги меҳнаткашларнинг шикоят хатлари ўз навбатини кутиб турганини айтиб ўтишимиз кифоя қилар, деб ўйлаймиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, аксарият туманларда газетада босилган танқидий фикрларга нисбатан лоқайдлик, беэътиборлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари тез-тез кўзга ташланиб қолмоқда. Биз газета саҳифаларида чоп этилаётган танқидий чиқишларга ўз вақтида жўяли жавоб хатларини олишимизга ишонган ҳолда аччиқ ва очиқ фикрларимизни эътиборингизга ҳавола қилдик.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: ЙЎЛИНИ ТОПГАН ЮТАДИ

ВИЛОЯТИМИЗДА давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари давом этмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш йўли бу жараённи тобора чуқурлаштиришни тақозо қиляпти. Шу туфайли унинг йўналишлари кўпаймоқда.

Ер майдонларини якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик ташкил этиш учун ажратиш ҳамда сотиш ана шу тадбирларнинг биридир. Бундан мақсад ердан фойдаланишни яхшилаш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш. Чунки, ҳар бир киши ўзи эгалик қилаётган ердан унумли ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилади, оиласи учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиради, эҳтиёжидан ортиқчасини эса сотишга чиқариб, истеъмол бозорини тўлдиришга ёрдам беради.

Кейинги вақтларда ҳар йили кўплаб ер майдонлари фуқароларга меросга қолдириш шарти билан умрбод фойдаланиш учун сотиляпти. Биргина ўтган йили 400 та ер майдонини сотиш назарда тутилган эди. Шаҳарлар ва туманларда бу иш билан астойдил шуғулланилганлиги, уларни ким ошди ва биржа савдолари орқали сотишга эътибор берилганлиги учун бу кўрсаткич бўйича режа анча ортиғи билан бажарилди. Ҳаммаси бўлиб 519 та ер майдони сотилиб, топшириқ деярли 130 фоиз қилиб адо этилди. Бундан тушган маблағ ўнларча миллион сўмни ташкил этди ва унинг йигирма фоизи маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилди ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган тадбирларни амалга оширишга сарфланди.

Қатор туманлар давлат мулкини хусусийлаштиришнинг бу муҳим йўналиши бўйича самарали натижаларни қўлга киритдилар. Айниқса, Ўртачирчиқ, Паркент, Зангиота, Тошкент, Оҳангарон туманлари яхши кўрсаткичларга эришдилар. Савдонинг ким ошди шакли уларни анча қимматга сотиш имконини бераяпти. Бунда харидорлар эркин рақобат асосида беллашадилар. Шунинг учун ер майдонлари истисносиз барча ҳол-

Якун ва таҳлил

ларда бошланғич нархлардагидан анча, ҳатто, бир неча баробар ортиққа сотиляпти. Бундан эса давлат иқтисодий самара кўради.

Ўртачирчиқ туманида ўтган йили 15 та ўрнига 36 та ер майдони сотилди. Фуқаролар Зангиота туманида 96 та, Паркент туманида 99 та, Тошкент туманида 92 та ер майдонларини харид қилиб олдилар. Бу туманлар ҳокимликлари ва уларнинг корхоналарни рўйхатга олиш, иншоотларни хусусийлаштириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлари масаланинг моҳиятини чуқур тушуниб, яқин ҳамкорликда ишладилар.

Кимошди савдоларига олдиндан пухта ҳозирлик кўрилди. Тарғибот ишлари олиб борилди, реклама ва эълонлар берилди. Бошланғич нархларни ҳам барвақт маълум этдилар.

Лекин, афсуски, айрим шаҳарлар ва туманларда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг бу шаклига етарли эътибор берилмаяпти. Тўғрироғи, улар бу масала билан шуғулланишни ўзларига эп кўрмаяптилар. Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдонларини вақтида белгиламаяптилар. Кўпинча улар ноқулай, одатан аҳоли манзилгоҳларидан, йўллардан четда, бошқа муҳандислик тизимларидан узоқда бўлаяпти. Шунинг учун харидорлар кам топиляпти. Шу билан биргаликда қатор туманлар ва шаҳарлар бу ишда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Ўтган йили Чирчиқ шаҳри бўйича бор-йўғи 5 та ер майдони сотиш назарда тутилган эди. Йил давомида биронта ҳам сотилмади. Бу масала Олмалиқда ҳам эътибордан четда қолмоқда. Бу ерда ҳатто биронта майдон ким ошди савдосига қўйилмади. Оҳангарон, Янгийўл шаҳарларида ҳам режалар 40—50 фоиз бажарилди, холос.

Айрим қишлоқ туманларида ер майдонларини сотишдаги аҳвол кишини ҳайрон қолдиради. Масалан, Оққўрғон туманида йил давомида биронта ер майдони сотилмади. Бўстонлиқ туманида ҳам режа уддаланмади. Қўйичирчиқ туманида бу кўрсаткич 10 фоиз, Янгийўл туманида эса 4,5 фоизга бажарилди. Пскент эса 40 фоизда қолиб кетди.

Бу йил вилоятда камида тўрт юзта ер майдонларини сотиш режалаштирилди. Бу тадбир шубҳасиз, маҳаллий бюджетимизга мўмайгина пул келтиради. Режанинг тўла бажарилиши, аввало, туманлар ва шаҳарларга боғлиқ. Шунинг учун ўтган йили бу ишда қолоқликка йўл қўйилган жойларда масалага муносабатни тубдан ўзгартириш, оилалар фаровонлигини оширишга қаратилган бу тадбирнинг самарали ўтказилишига эришиш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш лозим.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

КУНИ КЕЧА Тошкент вилояти ҳокимлигининг кичик мажлислар залида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш вилоят ҳокимлиги комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбирлар атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур масала юзасидан комиссия аъзоси, вилоят ИИБ давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги С. Азаматов маъруза қилди.

Нотиқ, жумладан, ўтган 1997 йил мобайнида тузилган иш режаларига асосланган ҳолда вилоят ҳудудида "Диққат, болалар!", "Диққат, пиёда!", "Мотоцикл", "Тоза ҳаво", "Диққат, темир йўл кесишмаси!", "Трактор" каби қатор тадбирлар ўтказилганини айтиб ўтди. ДАН бошқармаси шаҳар ва туманлар бўлинмаларининг йўл-патрул хизмати ходимлари томонидан 1997 йил мобайнида йўлларда 383352 марта ҳаракатланиш қоидабузарликлари аниқланди. Бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 33149 та кўп демакдир. Шунингдек, 137502 та қўпол қоидабузарликлар юз берди. Кўрилган чора-тадбирларга қарамай, йўл-транспорт ҳодисалари сони Янгийўл шаҳрида 5,7 фоизга, Оҳангарон туманида 17,9, Зангиота туманида 9,8, Пскентда 10 фоизга кўпайди. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 78,1 фоизи ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилган. 878 та ҳодисада шахсий транспорт воситалари эгалари айбдор бўлдилар. 213 киши ҳалок бўлди, 1398 киши тан жароҳати олди.

Кўрсатилган йўл-транспорт ҳодисаларининг ошишига автохўжаликларда ҳаракат хавфсизлиги бўйича муҳандислар ва ҳайдовчиларни гаражлардан чиқиши олдидан тиббий кўрикдан ўтказувчи шифокорларнинг сони асоссиз равишда қисқартирилиши ҳам таъсир кўрсатганлиги айтилди.

Болалар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар сони 7,5 фоизга камайди. Болаларга дахлдор йўл-транспорт ҳодисаларининг кескин камаймаётганлигига мактаб ва мактабгача бўлган муассасаларда, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини тарғиб этувчи кўргазмали ва ўқув қуролларининг етишмаслиги ҳам сабаб бўлаётир, деб таъкидлади маърузачи.

Шунингдек, давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан "Тошвилюктранс", "Тошвилйўловчитранс" концернлари, вилоят Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари автохўжаликларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, ёнилғи-энергетик ашёларни сақлаш бўйича текширув ўтказилганда қатор хато ва камчиликлар аниқланди. Кўпчилик автосаройларда машиналарнинг ишга чиқиш олдидан техник носозлиги туфайли йўл ҳаракати қоидаларига амал қилинмаслиги натижасида қоида бузиш ҳоллари тез-тез содир бўлаётир. Текширувлар ўтказилган 822 та автохўжаликда 7220 та транспорт воситаларидан фақат 3392 таси ёки 46,9 фоизининг ишга яроқли эканлиги аниқланди.

Нотиқ келгусида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг тарғиботини янада яхшилаш мақсадида бир қатор таклифларни ўртага ташлади.

Йиғилишда, шунингдек, Бўка, Қибрай ва Оҳангарон туманларидаги йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари раисларининг ҳисоботлари ҳам тингланди.

Кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди ва 1998 йил режалари белгилаб олинди.

МУАЛЛИМА — бағри кенг, саховатли қалб эгаси. Китоб, дафтарлар устида бедор ўтказган тунлари зое кетмаганлигига гувоҳ бўлган ҳар сония, ҳар онда қалби нурларга тўлади. Шогирдларининг қувончи, бахти билан яшайди у. Пойтахтимиздаги 110 мактаб физика ўқитувчиси Умида Тухватулина ана шундай зиёкорлардан бири. Унинг шогирдлари ўтган ўқув йилида Чехия ва Олмонияда ўтказилган кўрикларда ғолиблар сафида бўлишди.

Суратда: Умида Тухватулина "Ёш физиклар тўгараги" аъзолари Наргиза Вахобова ҳамда Доно Мамедовалар билан лабораторияда.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

БИНОЛАРГА САЙҚАЛ БЕРИБ...

"ЎЗМЕТКОМБИНАТ" ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг қурилиш-монтаж трести ишчи-хизматчилари билан суҳбатлашиб қолсангиз, албатта, Абдали Абдураҳимов усталик қилаётган пардозловчиларнинг ғайрат-шижоат билан ишлашини таъкидлашади. Ҳақиқатдан ҳам у бошчилик қилаётган сайқалчилар жамоаси Бекободда кўплаб турар-жойларни, маданий-маиший биноларни барпо этишда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Айниқса, жамоанинг электр билан пўлат эритиш мажмуининг асбоб-ускуналарини қайта қуриш ишларида фаол қатнашганликлари диққатга сазовордир. Улар кейинги йилларда шаҳарнинг 14-даҳасида 69, 77, 78-кўп қаватли уйларни қуришга, шаҳар марказий шифохонаси ҳузуридаги оналар ва болаларни муҳофаза қилиш мажмуини тўла таъмирлашга салмоқли улушларини қўшдилар. Айни кунларда эса пешқадамлар 3-даҳада қайта тикланаётган банк биноси қурилишида қатнашмоқдалар. Қурилиш суръатини кун сайин оширишга астойдил ҳаракат қилаётган жамоанинг дурадгори А. Юнусов, сувоқчилардан У. Рауфов, Ш. Толибов каби аъзолари ташаббус кўрсатиб ишлашяпти.

Абдумурод АШУРОВ, Абдураҳим БОБОНАЗАРОВ.

Жаҳонда нима гап?

РЕСПУБЛИКА КУНИ — ОЛТИН ТЎЙ

ЎТГАН сешанба куни қўшни Ҳиндистон халқи ўзининг миллий байрами — республика кунини катта шоду ҳуррамлик билан нишонлади. Мустақиллик, эркинлик ва демократия йўли осон бўлмади... 40-йилларнинг охири ушбу мамлакат тарихида ўзига хос мазмун кашф этди. Зотан, ўша даврда ҳинд халкининг матонатли кураши натижасида мамлакат иқтисодий тараққиёти, унинг демократия ва эркинлик қадриятларига эришишига ҳалақит берган истибдод занжирлари парчаланди. 1950 йилнинг 26 январида дунё харитасида янги, мустақил Ҳиндистон давлати пайдо бўлган эди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакат сиёсий тизимида сезиларли ўзгаришлар юз бермади. Ижтимоий келиб чиқиши, қайси динга мансублигидан қатъий назар барча ҳиндларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга интилиш Жаваҳарлал Неру, Жая Пракаш Нараян, Чаран Сингх, Индира Ганди, Ражив Ганди каби машҳур давлат ва жамоат арбоблари фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлиб келди.

Конституцияга биноан Ҳиндистон — парламент бошқарув шаклидаги демократик давлатдир. Ҳозирги кунда Ҳинд Миллий Конгресси ва Бхаратия Жаната Парти йирик сиёсий партиялар ҳисобланадилар. Партиялар орасида бирлашишнинг қарор топиши, уларнинг мамлакатни бошқаришга жалб этилиши бутун жамият учун муҳим аҳамиятга молик воқеага айланди.

Бугунги кунда Ҳиндистоннинг ялпи ички маҳсулоти 237 миллиард АҚШ долларини ташкил этади ва жаҳондаги саноати ривожланган 10 та йирик давлатлар қаторига киради. Мамлакат ташқи савдо айланмасининг 40 фоизи Оврупо Иттифоқи давлатларига тўғри

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

келади. АҚШ, Россия, Хитой, Ғарбий Оврупо мамлакатлари Ҳиндистоннинг йирик иқтисодий ҳамкорларидир.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон асрлар мобайнида савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириб келган қўшни мамлакатлардир. Бу икки минтақани бир-бири билан боғлаган Буюк Ипак йўли миллий хусусиятларнинг, урф-одатларни чуқур англашга, ҳинд ва ўзбек халқлари маданиятларининг бирбирига сингиб кетишига имкон яратди. Буюк Бобур ва Амир Ҳисрав Деҳлавий-лар Ҳиндистон тупроғида ижод қилганлар. Агра ва Деҳли шаҳарларида бобурийлар авлоди томонидан бунёд этилган Тож Маҳал мақбараси, Қизил Форд, Ҳумоюн мақбараси ҳамда Мингбоғ каби шарқ дурдоналари салобат тўкиб турипти.

Бугун Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар кенгайиб, тобора равнақ топиб бормоқда. Ушбу жараёнга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил ва 1994 йиллардаги Ҳиндистонга қилган ташрифлари, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги қатор шартномаларнинг имзоланиши катта туртки бўлди.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бундан кейинги ривожланишига ҳар иккала мамлакатда катта умид билдирилмоқда. Ўзбекистонда 30 дан зиёд ўзбек-ҳинд қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ҳинд ишбилармонлари тўқимачилик саноати, фармакология, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Аслом АКБАРОВ, "Жаҳон" АА мухбири.

ЭНГ АВВАЛО... ИҚТИСОДИЁТ

ЛАТВИЯ пойтахти Рига да Болтиқ денгизи давлатлари кенгашига аъзо бўлган 11 мамлакат раҳбарларининг учрашуви бўлди. Унда мазкур минтақада хизматлар, алоқа, энергетика умумий бозорини вужудга келтириш, транспорт тузилмалари интеграцияси бўйича давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Анжуман жаҳоннинг турли қитъаларида, энг аввало, иқтисодий тамойилларнинг биринчи ўринга чиқаётганлигини кўрсатди.

ТАБРИКЛАР КЕТИДАН ТАБРИКЛАР

АЙНИ кунларда Чехия президенти Вацлав Гавелнинг анчагина вақти ўз номига келаётган сон-саноқсиз табрикномаларни ўқишга кетмоқда. Ҳа, тинкани қуритадиган сиёсий "пойга"дан сўнг дам олиш ва кўнгилга таскин берувчи мисраларни ўқиш нақадар завқли. Гап шундаки, 61 яшар В. Гавел қуйи ва юқори палаталар депутатлари томонидан яна қайта президент этиб сайланди. Унинг учун 99 нафар депутат, 47 нафар сенатор овоз берди. У шу тариқа ўз мухолифлари — астрофизик олим, коммунист Станислав Фишерни ҳамда ўта ўнг Республика партияси раҳнамоси Миослав Сладекни "доғда қолдириб" ғалаба қозонди. В. Гавел ёзувчи, драматург. Икки марта уйланган, бефарзанд.

"ЛИЛИ"ГА ЗАРБА БЕРИЛДИ

СЎНГГИ йилларда бу жиноий синдикат фақат Тайвандагина эмас, бутун Жанубий-Шарқий Осиёда йирик "қалъа"га айланган эди. Унинг номи шоирона "Лили" деб аталарди. "Лили" фоҳишалар билан савдо қилишга ихтисослашган эди. Жиноятчилар рахбарларини қўлга тушириш осон бўлмади. Ҳукуқ-тартибот идораларига ниҳоят якинда омад кулиб боқди. "Катта ҳамшира Ван" ва "Биродар Бао" лақабли "ташкилот" бошлиқлари ҳибсга олиндилар. Шарҳчилар "Лили"ни тўлиқ маҳв этиш учун ҳали кўп машаққат чекишга тўғри келади, деб ҳисобламоқдалар.

ХУШ КЕЛИБСИЗ, ЭГИЗАКЛАР!

ШУ КУНЛАРДА Саудия Арабистони фуқароси Абдуллоҳ Муҳаммад Алининг хонадонида катта хурсандчилик давом этмоқда. Шодиёналиклар сабабчиси унинг рафиқаси Абха хоним бўлди. Муборак Рамазон кунлари ушбу хонадонда бир йўла олти эгизак дунёга келди. Ўзида йўқ ота ҳар куни эрта тонгда жажжиларга қараб "Хуш келибсиз, эгизаклар!" дейишни канда қилмаётир.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲИСОБИНИ БИЛГАНЛАР

Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги пайчилар уюшмасига айланмоқда

ИҚТИСОДЧИЛАР йилга якун чиқариш жараёнида қилинган сарф-харажатларни синчиклаб ўргандилар. Ниҳоят, сарҳисобдан сўнг, уларнинг юзларига қизиллик югурди. Ҳайрият, дейишди улар. Соф даромадимиз салкам 3 миллион бўлибди!..

Бунга осонликча эришилмади, албатта. Гап шундаки, Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги бир вақтлар илғор бўлиб келган, кейинги йилларда эса қолоқлар рўйхатига тушиб қолганди.

1994 йилда хўжаликка раис бўлиб келган Жўра Абдуназаров оромидан кечди. Ўзи иқтисодчи эмасми, молиявий аҳволни ипидан-игнасигача ўрганди. Хўжалик экинларнинг асосий турлари бўйича давлат режаларини муттасил бажармай келаркан. Оқибатда боши зарардан чиқмай қолибди. Ана шу ҳакда мулоҳаза қилар экан, ҳафсаласи пир бўлар, буёғи қандай бўларкин, эплай олармиканман, деб иккиланарди.

Лекин, иккиланишни ундаги ўз бурчига, касб-корига, қолаверса, деҳқонларга бўлган меҳр-оқибати енгди. Қандай бўлмасин хўжаликни қолоқликдан олиб чиқиш йўлларини излай бошлади.

Деҳқончиликда техниканинг аҳамияти ниҳоятда катта. Лекин, хўжалик машина-трактор паркидаги мавжуд техникаларнинг аксарияти ишдан чиқиб бўлган эди. Нима қилиш керак? Дўстларнинг ёрдами шундай кунларда, айниқса, асқотди. Қўшни хўжаликлардан ҳайдов тракторлари хашарга келди. Ўша йили асосий майдонлар қишда бўлса ҳам ҳайдаб чиқилди. Яна бошқа кўпгина тадбирларни амалга ошириш учун раис ҳамқишлоқлари, фаоллар ёрдамига таяниб, иш олиб борди. Қийинчилик билан бўлса ҳам биринчи йилиёқ пахта тайёрлаш режаси бажарилди. Режани бажарганлиги учун хўжалик ихтиёрида қоладиган хомашёга режадан ортиқчаси қўшилиб, анча-мунча пахта бўлди. Олинадиган толадан келган даромад хўжалик иқтисодининг кемтик жойини бир оз тўлдирди. Шу ҳисобга хўжалик биринчи навбатда 4 та "Т-4" ҳайдов трактори, кейинчалик эса 2 та ғалла комбайни сотиб олди.

Қишлоқ аҳли юз бераётган иқтисодий ўзгаришлардан руҳланиб, ишга янада қатъиятлик билан ёндаша бошлади. 1996 ва 1997 йилларда натижалар янада салмоқли бўлди. Чунки, пахта сотиш режалари барвақт уддаланди. Энг муҳими хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувватлашиб, ўзини ўнглаб олди.

Хўжаликнинг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида раис Жўра Абдуназаровнинг маърузасини жон қулоқлари билан тинглаган хўжалик аъзолари меҳнатлари зое кетмаганлиги, эндиликда хўжалик ўзининг олдинги довруғини тиклаб, туманнинг илғор хўжаликларидан бирига айланганлиги ҳақидаги гапларни эшитиб, рақамларнинг мағзини чақиб, хурсанд бўлдилар.

Дарҳақиқат, рақамлар ишончли ва

Қишлоқ ва ислоҳот

салмоқли эди. 637 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,7 центнердан ҳосил олинди. Бу режада кўрсатилганидан сал кам 1 центнер кўп. Хўжалик шу йилнинг ўзида нақд 365 тонна толага эга бўлиши кутиляпти.

Ғаллачилик ҳам ривожланиб боряпти. Ўтган йили 501 гектар ерга экилган ғалладан 1616 тонна ялпи хирмон кўтарилди. Шундан 1347 тоннаси давлатга топширилган эди. Режа 156 фоиздан ортиб кетди. Ҳосилдорликда уларнинг олдига тушадигани топилмади.

Бу ютуқларнинг асосий боиси шуки, ҳар бир соҳада ҳар бир деҳқон ҳисоб-китоб билан иш олиб борди. Меҳнатни ташкил этишнинг оила пудрати усули ҳам шуни тақозо этарди. Пудрат ҳам хўжаликка, ҳам деҳқонга катта фойда келтирмоқда. Масалан, Ҳафиз Қосимовлар оиласи ўтган йили 544 минг 635 сўм даромад қилди. Маҳмуд Қорабоевлар даромади эса 140 минг сўмдан ошиб кетди. Якка тартибда ишлаган Одина Мирзаев 71 минг сўм, Амирхон Абдиев 62 минг сўм даромад қилишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлгач, унинг деҳқонга, меҳнаткашга кўрсатадиган мурувватти, саховати ҳам баракали бўлади. Ўтган йили аъзоларга 30 тонна пахта ёғи, 121 тонна буғдой, 60 тонна чорва еми, 700 килограммдан ортиқ гуруч, баҳоли-қудрат қурилиш материаллари етказиб берилди. Жуда кўп оилалар ерлик бўлишни орзу қилишарди. Орзулари ушалди. Тўй-ҳашамлар кўпайди. Хонадонлар, деҳқонларнинг турмуш тарзи яхшиланиб бормоқда. Янги йилда ҳам хўжалик меҳнаткашлардан саховатини сира аямайди. Чунки, бунинг учун замин яратиб қўйилди.

— Биз, — дейди жамоа хўжалиги раиси Жўра Абдуназаров, — Президентимизнинг Олий Мажлис сессиясида қилган маърузаларини пухта ўргандик. Ўзимизга тегишли сабоқлар чиқардик. Улардан бири шуки, бу йилдан бошлаб жамоа хўжалиги негизида "Собир Раҳимов номли пайчилар жамияти" тузилади. Ҳозир бунинг учун тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ҳар бир хўжалик аъзосининг йиллар давомидаги хизматлари ҳисобга олинади. Хўжаликка, унинг ривожига қўшган улуши белгилаб чиқилади ва бу улуш ҳужжатлар билан тасдиқланиб муҳрлаб берилади. Демак, ҳар бир деҳқон ўзини ҳақиқий мулкдор эканлигини амалда ҳис қила бошлайди. Ўз касбига бўлган меҳри, ихлоси янада ортади.

...Хўжаликнинг ҳисобот йиғилишида яна кўпгина гаплар айтилди. Ютуқлар билан бирга йўл қўйилган айрим камчиликларни тузатиш ва муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳақида фикрлашилди. Энг муҳими, одамлар ҳисобот йиғилишидан бир вақтлардагидек ўйчан бўлиб эмас, юзлари ёришиб, фикрлари, мулоҳазалари тўлишиб, янги-янги ният ва катта умидлар билан чиқдилар.

Рустам КАМОЛОВ.

“Энг улуғ, энг азиз” танловига

БИР ҲОВУЧ ТУПРОҚ ҲАМ ВАТАН АТАЛУР



АЙТИШЛАРИЧА, эл-юрт корига ярамоқ ва ўзини шу эл бахти учун фидо қилмоқ саодати Аллоҳнинг суйган бандаларигагина насиб этар эмиш. Эҳтимол, “Сен шундай яшагинки, ҳаётинг сарҳисоби неча йил умр кўрганинг билан эмас, балки, халқингга, Ватанингга қанча яхшилик қилганинг билан ўлчансин” деган ҳикматда ҳам ана шу маъно мужассамдир... Мен ҳар гал ўзига хос инсон, ер илмининг билимдони — Аъзамхон ака Абдувалиев билан суҳбатлашганимда ана шу фикрлар такрор-такрор хаёлимдан ўтади. Ўзини оддий деҳқон деб ҳисобловчи бу хўжалик раҳбарининг гапи ҳамиша ер, даромад ва ҳосилдан бошланади-ю, шу аснода мустақиллик, ватан ва инсон тақдирига боғланиб кетади. Қараб туриб ўйлайман, қани энди орамизда юрагида одамларга айтадиган гапи, дарди, ёниқ қалби бўлган бундай кишилар кўпроқ бўлса...

Дарвоқе, асосий мақсадга ўтишдан олдин суҳбатдошимизни таништирсак: Аъзам Қирғизбоевич Абдувалиев. У 15 йилдан буён Зангиота туманидаги “Қорасув” жамоа хўжалигини бошқариб келмоқда. Илгари туман ва вилоят миқёсида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Ана шу даврларда унинг амалдан кетган (тўғрирорғи, кетказилган), ноҳақ таъна-маломатларга қолган пайтлари ҳам бўлган. Аммо, у ҳар қандай шароитда ҳам ўз иймон-эътиқодида мустаҳкам турди. Ҳаётини ерсиз, одамларсиз тасаввур қила олмади. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач эса кўплар қатори унинг ҳам бор билими ва иқтидорини намоён этиш учун имкониятлар очилди. А. Абдувалиев қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими фахрий унвони соҳибидир.

...Ҳазрат Алишер Навоий инсондаги энг улуғ фазилатлар хусусида шундай ёзган эди: “Яхшилик — бир жабрланганнинг оғир юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан қутқармоқдир. Карам — бировнинг машаққат тикани оғирлигини кўтармоқ ва шу тикан учида гулдек очилмоқдир”. Тикан учида гулдек очилмоқ... Мен Аъзам аканинг ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларини, юрт равнақи ҳақидаги қарашларини, ер ва деҳқончилик келажаги хусусидаги мулоҳазаларини тинглар эканман, беихтиёр, бизнинг кўзимизга оддийгина бўлиб кўринадиган деҳқонларни — ер бағрида ризқ ва баракот ундираётган, керак бўлса, эл фаровонлиги учун “тикан учида гулдек очилаётган” энг ҳокисор ва фидойи кишиларни кўз олдимга келтирдим.

Аммо... Ўз-ўзимга савол бердим: орамизда бундайлар кўпми? Улар нималарни ўйлайдилар? Нималарни орзу қиладилар? Жамият тараққиётини янада юқорироқ босқичга олиб чиқишда уларнинг нафи қандай бўлади? Мен ана шу каби саволларга Аъзам акадан деҳқончасига лўнда, очиқ ва самимий жавоблар олиш ниятида унинг суҳбатини бирон жойда бўлмасдан, қандай бўлса шундайлигича қоғозга туширишга жазм этдим. Зеро, ҳар бир гектар ер ҳисобига камида 200—250 минг сўмдан даромад олаётган, одамлари бозор иқтисоди шароитида дадил меҳнат қилиб, ўз оиласини ҳам, жамоасини ҳам тобора бойитаётган “ўзига тўқ” хўжалик раҳбарининг фикрлари кўпчилик учун ҳам қизиқарли ва ибратли бўлиши мумкин. Келинг, Аъзам аканинг юрагидаги гапларга биргаликда қулоқ тутайлик...

МЕҲНАТ МАЗМУНИ

— ҚИШЛОҚ хўжалигидаги ислоҳотлар тўғрисида гап кетса, кўпчилик уни амалга ошириш учун аввало катта масалалар ва муаммоларни ҳал этиш заруратини кўндаланг қўяди. Тўғри, бу нарсада жон бор. Лекин биз ислоҳотларни энг содда ишлардан бошлаганмиз. Хўш, ислоҳотлар ўзи нима? Унинг замирида нима ётибди? Биринчидан, мақсад — ердан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш, унинг турмуш фаровонлигини ошириш. Булар қачон ўз ижросини топади? Бунинг калити — фақат меҳнат! Минг афсуски, собиқ совет тузуми бизнинг одамларимизни анча танбал қилиб қўйди. Улар изланишдан, ҳаракатдан тўхтаб қолдилар. “Ҳамма тенг яшаши керак” деган ақида эса бизнинг иккинчи фожеамиз бўлди. Одамлар ўз даромадини яширадиган, ҳалол меҳнати эвазига яратилган яхши ҳаётдан, ҳатто тузукроқ қилиб қурилган уй-жойидан ҳам ҳавотирланиб яшайдиган бўлиб қолдилар. Ваҳоланки, бутун дунёда ким қандай ишласа, шундай яшаши керак, деган қонуний меъёр бор. Биз биринчи галда, одамлар онгидаги хавотир туйғуларини йўқотиш, уларни янгича тафаккур ва келажакка ишонч билан ишлашга ўргатишни асосий мақсад қилиб қўйдик. Айтдик-ки: ишланг, бойинг, биз ёрдам берайлик! Гарчи иш услуби ва тартибида унчалик ўзгаришлар бўлмаса-да, бу жараён осон ўтмади. Дастлаб ўз меҳнатига яраша яхши даромад олганларни кўролмай, уларга ҳалақит берганлар ҳам, бир-бирининг устидан ғийбату бўхтон уюштирганлар ҳам бўлди. Лекин, аста-секинлик билан бу нуқсонларни барҳам топтирдик. Битта рақамни айтай: бундан ўн йил бурун жамоа хўжалигимизда 600 гектар ер майдони бор эди. Бу жойдан 4 минг тонна сабзавот олинарди. Тошкент шаҳрининг кенгайиши муносабати билан 300 гектардан ортиқ ерни йўқотдик. Амалда 200 гектар фойдаланиладиган майдон қолди. Ана шу ерда ҳам бугунги кунда аввалгидай 4,5 минг тонна атрофида маҳсулот етиштираяпмиз. Ишловчиларнинг сони эса икки бараварга камайган. Даромад — уч баробар ўсди! Мана шу рақамларнинг ўзиёқ ишлаб чиқаришдаги муносабатлар ва бошқарувнинг янгиланиб бораётганига бир мисол бўла олади.

Бугун ер эгасини тарбиялаш тўғрисида кўп гапирилмоқда. Буни шунчаки гап ёки шиорлар билан амалга ошириб бўлмайди. Аввало, ерни дуч келган кишига ишониб топширмаслик керак. Шу нуқтаи назардан мен Президентимизнинг Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида айтган фикрларига тўла қўшиламан. Деҳқончиликдаги ислоҳотларни бошлашда бир қадар шошқалоқликлар бўлди ва бу ўша жойларда ерларнинг талон-тарож қилинишига, ер самарадорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлди. Демоқчиманки, кетмон чопишни биламан, деган одамнинг ҳаммаси ҳам деҳқон бўлавермайди. Бунинг учун ҳам Аллоҳ берган қобилият, иқтидор ва тинимсиз меҳнат даркор.

Биз мана, ўн йилдир-ки, меҳнатни ташкил этишнинг кўпчиликка маълум бўлган ижара пудрати усулини қўллаб келмоқдамиз. Ижарачиларимиз ҳар бир экин тури бўйича шартнома асосида маҳсулот етиштиради. Масалан, ҳар гектар ердан ўртача 250 центнердан ҳосил олишга келишилади. Ортгани — деҳқонники! Биласизми, улар гектарига 350 центнердан кам ҳосил олишмайди. Бу эса ҳар гектар ҳисобига ўн тонна ҳосил уларнинг ихтиёрига қолади, деганидир. Уни келишилган нархда биз сотиб оламиз ёки уларнинг ўзлари бозорда эркин сотишади. Бизда хўжаликнинг асосий вазифаси — деҳқонга эмин-эркин ишлаш учун шарт-шароит яратиб бериш, ўғит, техника ва бошқа хизмат турлари бўйича ёрдам беришдан иборат, десам хато бўлмайди. Эҳтимол, баъзилар “бизда ҳам шундай-ку” дейиши мумкин. Лекин кўп жойларда келишилган шартга қатъий амал қилишга, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга эътибор берилмайди. Натижада бошланган иш охирига етмай, аро йўлда қолиб кетади.

Кейинги вақтда “режа деган нарсанинг нима кераги бор?” деган гапларни эшитиб қоламан. Албатта, ҳозирги шароитда режа эмас, кўпроқ ХАРАЖАТ ва ДАРОМАД ишлаб чиқаришнинг кейинги тақдирини белгилайдиган асосий мезон ҳисобланади. Бизда ҳам шундай. Аммо биз мақсадга айримлар воз кечишни истаётган ана шу РЕЖА орқали эришаяпмиз. Бу билан нима демоқчиман? Гарчанд режа, топшириқ деган нарсалар иттифоқ даврида қолган эскича талаб бўлса-да, бугунги кунда унинг замирида мутлақо бошқа мазмун ва манфаатдорлик ётибди. Деҳқоннинг асосий вазифаси маҳсулот етиштириш, юқори ҳосил олиш, ернинг ҳақиқий соҳиби бўлиш! У шу билан кун кўради, бола-чақа боқади, оила тебратади.

Президентимиз бир нарсани кўп таъкидламоқдалар: ҳар бир соҳада изланиш, тадбиркорлик билан иш юритиш бизнинг тараққиётимизни белгилайдиган омилдир! Ҳақ гап. Мустақилликка эришганимиздан кейин кўпгина тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигини янги изга солиш, ишлаб чиқаришни тубдан яхшилаш биринчи галдаги вазифа қилиб белгиланди. Буни амалга ошириш учун эса вилоятимиздаги қатор корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари тажриба ўрганиш мақсадида хорижий давлатларга бориб келишди. Мен ҳам шу ниятда бир қанча давлатларда бўлдим. Хусусан, Голландияда, Хитойда деҳқон ва фермерларнинг ишлари билан яқиндан танишдим. Улардан олган хулосаларим шундай бўлди:

биринчидан, мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда, эркин, мустақил ишлаш учун имкониятлар, имтиёзлар яратилмоқда, бизларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, фармонлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хўш, биз нима қилаяпмиз? Биз бу имкониятлардан кўнгилдагидек фойдаланиш ўрнига буйруқбозлик ёки кўрсатма кутиб ишлашдек ёмон иллатдан тўла қутила олмаяпмиз. Тўпланиб қолган муаммолар ва масалаларни аксарият ҳолларда фақат давлат раҳбари айтмоқда. Нима учун бизда аслида қуйидан чиқиши лозим бўлган ташаббуслар, изланишлар кам? Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган ўнинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов бу каби масалалар устида яна бир бор жиддий тўхталдилар, аниқ таклифларни ўртага ташладилар. Табиийки, бу борада қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишнинг янги дастурлари ишлаб чиқилади. Бироқ, қуйида уларнинг ижросини таъминлашга ўрганмас эканмиз, мақсад яна самарасиз қолаверади.

Яна бир гап. Юқорида айтилганидек, биз хорижий мамлакатларга бордик. Илғор тажрибаларни ўргандик. Чет эллик ҳамкасбларнинг ишига, меҳнатни ташкил этиш маҳоратига тасаннолар айтдик. Ўз таассуротларимизни матбуотда баён қилдик. Кейин-чи? Энг асосий масала — улардан олган янгиликни ўзимизда жорий этишда оқсаяпмиз? Тўғри, бирон бир янгиликни бошқа бир жойга олиб кириш осон иш эмас. Аммо бундай туб ўзгаришга эришиш нафақат меҳнатда, балки инсон тафаккурида ҳам ўзгариш ясаш, кишилар дунёқарашини бугунги замон руҳи билан янгилаш имконини беради.

ТАФАККУР ТАМОЙИЛИ

Бизнинг “Қорасув” жамоа хўжалигимизда бу каби масалалар ҳали мен ўйлаган даражада рисолага етмаган бўлса-да, қатор ижобий ўзгаришларни кўриб қувонаман. Голландияга борганимда, бир фермернинг хўжалигида уч кун бўлиб, унинг ишини ипидан-игнасигача синчиклаб ўргандим. Иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда бақувват, дунёнинг қирқдан ортиқ давлатига ўз маҳсулоти ва сабзавот уруғларини экспорт қилаётган ака-ука фермерлар шундай меҳнат қилишарди-ки, уни сўз билан тушунтириш қийин. Ҳар бир ишнинг аниқ меъёри белгиланган. Салкам ярим гектарлик енгил теплицанинг ишини тўрт киши эпламоқда. Миллионер ака-укалар ана шу тўрт ёлланма ишчи билан баб-баравар меҳнат қилади. Шунда ўзимга ўзим савол бердим: бизда миллион-миллион пули бўлган одам шундай ишлайдими? Йўқ! Бойлиги қанча бўлишидан қатъий назар, ҳар бир одам ўзи ҳам меҳнат қила бошлар экан, унда тафаккур ҳам, дунёни ҳис қилиш ҳам ўзгаради.

Биз Беккерлар фирмаси билан яқин алоқа ўрнатдик. Илгарилари хўжалигимизнинг олти гектарлик иссиқхонасида иш умумий тарзда ташкил этилиб, ўзимизнинг қўлбола помидор, бодринг кўчатлари экиларди. Ниҳоятда катта харажат эвазига арзимаган ҳосилни олардик. Эндиликда бу майдонни деҳқон-фермер хўжаликларига шартнома асосида тақсимлаб берганмиз. Уларни Голландиянинг энг сара уруғлари билан таъминлай бошладик. Буни қаранг-ки, сўнгги уч йилда ҳосилдорлик уч баравар кўтарилди. Даромад эса етти баробар ошди. Шундан сўнг деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўзлари ҳам излана бошладилар. Шу тариқа помидор, бодринг ва бошқа резаворларнинг янги-янги навлари етиштирила бошланди. Бунинг яна бир қувончли томони шундаки, хўжалигимиздаги деҳқон-фермер хўжаликлари теплицаларидан мўмай даромад олинаётгани кўпларни қизиқтирди. Иссиқхона барпо этиш тажриба сифатида қишлоққа ёйилди. Ҳозир дадил айтишим мумкинки, Хонободқи ҳар ўн хонадоннинг бирида икки-уч сотихдан иссиқхона бор. Бу жойлардан ҳам мўмай даромад олмоқдалар. Пировардида ким ютяпти? Аввало, хўжалик! Деҳқон ўз иқтисодий салоҳиятини юксалтириб бораётган бўлса, иккинчидан, қишлоқ аҳли ҳам бойиб бормоқда. Бугунги кунда ана шу деҳқон-фермерларнинг деярли ҳаммаси янги уй-жойлар қуришди. Умуман, ҳудудимиздаги тақсимланган ер участкаларида қисқа муддатда янги уй-жойларнинг барпо этилаётганлиги деҳқончилик орқасидан келаётган даромад ҳисобига бўлмоқда.

Афсуски, ҳали кўпчиликнинг фикри эскича тафаккурдан, дунёқарашдан халос бўла олмаяпти. Улар ўзларининг мулкдор бўлганликларидан иккиланиб юрибдилар. Ваҳоланки, бизга бу борада барча имкониятлар берилди. Қонуний-меъёрий ҳужжатлар эълон қилинди. Шундай экан, ўзимизга қандай ишонсак, ҳукуматимизнинг бу сиёсатига ҳам шундай ишонишимиз ва ҳаракат қилишимиз керак.

ЕР СОҲИБИ

Хитой тўғрисида гапириб ўтдим. Бу мамлакатдан олган энг катта таассуротим шу бўлдики, Хитойда қишлоқ жойларда ҳар бир хонадонга 7—10 сотихдан ер бўлиб берилган. Улар ўзларининг ана шу озгина ерларида шундай ишлашадики, бу жойдан шартномада кўрсатилганидан икки баробар кўп ғалла олишади. Бир чеккадан ғаллани ўриб бориб, ўрнига иккинчи экинни экадилар. Уларнинг даласида бирон бир бегона ўтни учратмайсиз. Хитойлик деҳқон ерни ниҳоятда эъзозлайди, ҳар йили ўғит солади, ишлов беради, мелиоратив ҳолатини яхшилайди. Хуллас, ер деҳқоннинг, қишлоқ кишисининг том маънодаги муқаддас бойлиги ҳисобланади. Мен Президентимиз жон қуйдириб айтаётган масаланинг мағзини, яъни ҳақиқий ер соҳибини тарбиялашнинг туб моҳияти мана шунда, деб ўйлайман. Минг, афсуски, биз олтиндан ҳам қимматроқ ерларимизнинг қадрига етмаяпмиз.

Мен юқорида таъкидлаб ўтдим. Биргина “Қорасув” жамоа хўжалигимизда ўтган беш йилда экин майдонлари 2,5 баравар қисқарди. Бу табиий ҳол. Шаҳар кенгаймоқда. Лекин ер қисқаргани сайин одамларнинг ерга бўлган интилиши кучайиб бормоқда. Кечагина хўжаликда ишлаб юрган одамни бугун кўкрагидан итариб ташлай олмайсиз-ку. Хўш, нима қилиш керак? Хитойдан келгач, мавжуд ерларнинг тупроқ тузилишини, шароитини, имкониятларини чуқур таҳлил этдик. Далада меҳнат қилаётган кишиларнинг салоҳияти ва иқтидорини ҳам ўргандик. Энг муносибларини бригадаларга бошлиқ этдик. Чинакамига эплаб кетадиганларига ерни ижарага бера бошладик. Бизнинг шароитимизда ерларни кичик-кичик бўлакларга тақсимлаш нотўғри бўлар эди. Шунинг учун умумий майдонларни шудгорлаб, ўғитлаб, мўлжалдаги экинни экиб, сўнг деҳқонларга тақсимлаймиз. 1996—97 йиллардаги битта тажрибани айтиб бераман. Шу пайттача, бизнинг ҳудудимизда картошка яхши ҳосил бермайди, деган хулоса бор эди. Узоқ йили таваккал қилиб Голландиядан келтирилган картошканинг “Романа” навини экдик. Яхши ҳосил олинди. Шу асосда картошкачилик бўйича изланишни давом эттирдик. Энг мақбул навларни танладик, ўзимиз уруғ етиштира бошладик. Шу тариқа 1996 йилда ҳар гектар ердан ўртача 20 тоннадан ҳосил олган бўлсак, 1997 йилда ҳосилдорлик 25 тоннага етди. Бу ҳали кам. Ҳудди шу навлардан Голландияда 40 тоннагача ҳосил олинади. Демак, изланишни яна давом эттириш керак. Карам, помидор ва бошқа экинлар бўйича ҳам ана шундай тажрибалардан фойдаланаяпмиз.

БОШҚАРУВ САНЪАТИ

Хўжаликнинг бошқарув тизимини соддалаштирдик. Илгари 10—15 та ҳисобчи, бош ҳисобчи, унинг икки муовини, бир иқтисодчи, иқтисодчининг муовини, бригада ва бўлим агрономлари, муҳандислар, механиклар, қўйинг-чи, эликка яқин боқиманда бўларди. Бугунги кунда уч ҳисобчи, бир иқтисодчи, бир ҳосилот ҳамма ишни эплаяпти. Хизмат машиналари, ортиқча техникалардан воз кечдик. Шу тариқа жуда катта миқдордаги харажатларга чек қўйилди.

1998 йилдан бошлаб хўжалигимизда бошқарув тизими ва мулк шакли тубдан ўзгарди. Эндиликда “Қорасув” жамоа хўжалиги хусусий деҳқон-фермерлар хўжалиги мақомини олди. Нега айнан шу йўлни танладик? Биз деҳқон-фермер хўжаликларининг жуда катта имкониятларга ва истиқболга эга эканлигини ўз тажрибамизда синовдан ўтказдик. 1994 йилда 80 гектар майдон 4 та фермер хўжалигига бириктирилди. Уларнинг эришган натижалари юқоридаги фикримга мисол бўла олади. Масалан, Икром Эркабоев раҳбарлик қилаётган “Олтинтепа” фермер хўжалиги 70 бош мол боқиб, ҳар йили 100 тонна сут, 30-40 тонна гўшт етиштирмоқда. Бундан ташқари, очиқ майдонларда сабзавот ва картошкадан юқори ҳосил олмоқда. Султон Муҳиддинов бошчилик қилаётган “Хонобод” фермер хўжалигининг натижалари ҳам йилдан-йилга салмоқли бўлиб бораётир. Ўтган йили 100 тонна сут, 40 тонна гўшт етиштирган бу жамоа картошка ва сабзавотдан энг юқори натижага эришди.

Тошхўжа Ёқубов бошчилигидаги “Гулчеҳра”, Раҳмат Назаралиев раҳбарлигидаги “Қўшқўрғон” деҳқон-фермер жамоалари енгил тоифадаги иссиқхонада меҳнат қилиб, бу майдонлардан қанчалик катта самара олиш мумкинлигини исботламоқдалар.

Шу ўринда мен бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳар қандай хўжаликда ишлайман, деҳқончилик қиламан, дейдиган одам кўплаб топилади. Лекин, ерни, ҳар кимга ҳам ишониб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз бу масалага жуда масъулият билан ёндошдик. Мана, юқорида санаб ўтилган деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳаммаси олий ва ўрта маълумотли мутахассислардир. Қолаверса, уларнинг ҳаммаси асл деҳқон фарзандлари.

Яна бир гап. Деҳқон-фермерлар ўз-ўзидан ривожланиб қолмайди. Аксинча, уларни ташкил этгандан кейин ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак. Нафақат иқтисодий, балки, маънавий кўмак ҳам зарур уларга. Биз юқоридаги фермерларга ери билан бирга техника ва бошқа деҳқончилик, чорвачилик учун зарур бўлган воситаларни тўлиқ бердик. Икки йилгача, керак бўлса, ҳар куни уларнинг ҳолидан хабар олдик. Мана, бугун улар тўлиқ шаклландилар. Ҳар қандай муаммоларни ўзлари ҳал этмоқдалар. Ҳудудимиздаги боғчаларга ва бошқа муассасаларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бермоқдалар.

Ўрни келганда яна бир фикримни айтиб ўтмоқчиман. Президентимиз қишлоқ хўжалиги ривожига бағишланган йиғилишларда ҳар доим ернинг қадрига етиш, заминимизнинг ҳар қаричи олтинга тенглиги, уни қадрлаш тўғрисида гапирадилар. Булар ниҳоятда тўғри мулоҳазалардир. Президентимизга ва ҳукуматимизга минг раҳмат. Ана шу қаричи олтинга тенг заминимизни бизга ишониб топширди. Эллик, олтмиш йилга омонатга берди. Омонатга хиёнат қилиш эса энг катта гуноҳдир. Шундай экан, биз унинг қадрига етмоғимиз, ишончни оқламоғимиз керак. Мен юқорида жуда кўп хорижий давлатларда бўлганлигимни айтдим. Лекин, бирор жойда Ўзбекистондек деҳқонлар тўғрисида ғамхўрлик қилинаётганлигини кўрганим йўқ. Бугунги бозорларимизнинг тўкинлиги Президентимизнинг ниҳоятда узоқни кўра билиши натижасидир. Мен яқинда таҳлил қилдим. Мана, тўрт йилдирки, бозорларда картошка, сабзи, карам ва сабзавотларнинг нархи деярли бир маромда турипти. Ваҳоланки, ёқилғи, энергия, техника ва бошқа маҳсулотларнинг нархи уч-тўрт баробар ошиб кетди.

Тўғри, ҳали қийинчиликлар бор. Муаммолар мавжуд. Улар бундан кейин ҳам бўлади. Чунки, бу ҳаёт, тараққиёт қонунияти. Ҳамма гап камчиликларни ташаббускорлик билан, тадбиркорлик билан бартараф эта билишда, изланишдадир. Чунки, юртимизда ҳар қандай одамга ишлаши, бадавлат бўлиши учун барча шароитлар яратиб берилди. Ана шундай пайтда ишламаган одамни қандай тушуниш керак?

Хўжалигимизнинг хусусий деҳқон-фермер хўжалигига айланишининг туб аҳамияти ҳам шунда. Илгари ҳамма нарса умумий эди. Бунинг оқибатида ҳосилдорликдаги фарқ катта эди. Техника ўз вақтида таъмирланмас, бунинг устига етишмасди. Энди буларнинг ҳаммаси барҳам топди.

ДЕҲҚОН БОЙЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Деҳқон бойиса, юрт бойийди, дейдилар. Бу нақадар оқил гап. Буни ҳам ўз фаолиятимизда тўла-тўкис кўриб турибмиз. Меҳнатнинг натижаси ўлароқ ҳудудимизда уй-жойлар қурилиши кенгайиб бормоқда. Сўнгги икки йилда ҳудудимизда 20 дан ортиқ янги дўконлар, устахоналар, маиший хизмат ўчоқлари бунёд этилди. Таъбир жоиз бўлса, одамлар шаҳарлардагидек барча қулайликларга эга бўлмоқдалар.

Энди тасаввур қилинг. Собиқ иттифоқ даврида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш шиори ўртага ташланган эди, аммо етмиш йил давомида бунга эришилмади. Мен аминманки, мустақиллик шарофати туфайли бу масала сўзда эмас, амалда ўзининг ижросини топа бошлади. Бугун пойтахтимиздаги ажойиб қурилишларни, биноларни, кўчаларни фахр билан тилга олмоқдамиз. Хўш, нимага мана шундай қурилишлар қишлоқларда ҳам амалга ошмаслиги керак? Қолаверса, қишлоқ ҳам ҳашаматли уй-жойлар, маъмурий, маиший бинолар билан янада гўзал бўлади.

Мен бугун хўжалигимизда, умуман, қишлоқ хўжалигида ҳамма ишлар бир текисда кетаяпти, демоқчи эмасман. Муаммолар бор. Уларни бартараф этиш чораларини кўрамиз, албатта. Аммо шундай масалалар ҳам борки, уларни ҳал этишда баъзан хўжаликнинг қўли калталик қилиб қолмоқда. Ўтган йили салкам минг тонна карам ерда қолиб, чириб кетди. Ваҳоланки, уни сотиш, қўшни давлатларга юбориш ҳисобига катта даромад олиш мумкин эди. Афсуски, айрим юқори идора раҳбарларининг арзимаган ҳужжат учун оворaю-сарсон қилишлари, кимнингдир манфаати учун суньий тўсиқ пайдо қилиниши ана шунга олиб келди. Агар буни Зангиота тумани, умуман Тошкент вилояти миқёсида ҳисоблайдиган бўлсак, минглаб тонна маҳсулот истеъмолчиларга етиб бормади, деган гап. Пировардида, бу нарса деҳқоннинг чўнтагига катта зарар келтирди. Мен ҳукуматдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда хўжаликларда эркинлик берилишини сўрардим. Албатта, айримлар, ички бозоримиз нима бўлади, деган саволни беришлари мумкин. Бунинг ҳеч қўрқинчли жойи йўқ. Ички бозор учун ишлаганмиз ва ишлаймиз. Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорларида сотилаётган маҳсулотларнинг 99,9 фоизини аҳоли томорқаларида ҳамда хўжаликларда ижарада ишлаётган деҳқонлар етиштирган маҳсулот ташкил қилади. Мен айтган гап хўжалик, туман миқёсида катта ҳажмда, ички эҳтиёждан ортиқча маҳсулотни четга чиқариш ҳақида кетаяпти.

Қишлоқ хўжалигини сара уруғлик ва кўчат билан таъминлаш ер самарадорлиги ва ҳосилдорликни оширишда асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда уруғчилик билан шуғулланувчи идоралар ва хўжаликлар кўнгилдагидек уруғлик ва кўчатларни етиштириб бера олмаётганликларини очиқ айтиш керак. Шундай экан, бу борада ҳам ҳар бир хўжаликка имконият бериш зарур. Бунинг учун хўжаликларга сотилаётган маҳсулот ҳисобидан уруғ ва кўчат учун кетадиган маблағни конвертация қилишга ва хорижий фирмалар билан шартномалар тузиш орқали уларни олишга рухсат бериш лозим бўлади. Ана шунда, эҳтимол ортиқча идоралару ташкилотларга кетадиган катта миқдордаги маблағ ҳам тежаб қолинади.

Техника масаласида ҳам менинг ўз фикрларим бор. Уларнинг кундан-кунга қимматлашиб бораётганлиги хўжаликларнинг техника харид қилишига тўсиқ бўлмоқда. Тўғри, бу — бозорнинг ўзига хос қонунияти. Ҳар ким ўз маҳсулотини харажатга қараб сотади. Лекин шундай масала ҳам борки, уни ҳукумат миқёсида чуқур кўриб чиқиш зарур. Агар деҳқон ўз маҳсулотини харажатга қараб ва дейлик, ўша қимматлашиб кетган техникани харид қилишни мўлжаллаб сотадиган бўлса, маҳсулотнинг нархи ўз-ўзидан ошиб кетади. Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён? Охир-оқибатда халқимизга қийин бўлади-ку. Шундай экан, аграр соҳага таллуқли техника воситаларини сотиш ва сотиб олишда қандайдир мутаносиблик яратилиши керакка ўхшайди.

1994 йилда республика Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президентимиз бир гапни алоҳида таъкидлаб, шундай деган эдилар: “Агар тайёрлов ташкилотларини олиб қарасак, уларнинг кўпчилиги ҳамон эски, марказлаштириш давридан қолган сарқит услубларда ишлаяпти. Улар аввал ўзининг фойдасини, ўзининг даромади ва манфаатини ўйлайди холос. Шу борада қуйидаги масалаларни ечиш лозим:

— ким кимга хизмат қилиши керак?

— ким кимнинг ортидан юриши лозим?

— асли ким кимни боқади?

— ким кимдан манфаатдор бўлиши керак?

— деҳқонлар улар учун меҳнат қиладими ёки буларнинг барчаси деҳқонга хизмат қилиши керакми?

— ким кимнинг орқасидан кун кўради?”

Ниҳоятда зукколик билан кўтарилган бу масалалар узил-кесил ўз ечимини топадиган вақтлар мана энди келди. Банк, суғурта муассасалари, савдо, техника, уруғ ва ўғит таъминоти, ветеринария ва ҳоказо, кўплаб хизмат кўрсатиш муассасалари эндиликда ана шу масаланинг моҳиятини англаб ҳаракат қилмас экан, аввало, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш мураккаблашади. Иккинчидан, агар улар шу тарзда эскича ишлашни давом эттирса, даврнинг ўзи уларни четга суриб қўяди.

Сўзимнинг охирида бир воқеани айтиб бермоқчиман. 1994 йили австралиялик бир фермерни вилоятимиз бўйлаб олиб юрдим. У боғ-роғларимизни, ерларимизни, фермаларимизни кўрар экан, ҳам ачиниш билан шундай деган эди: бундай ер, бундай шароит, бундай замин ва обҳаво дунёнинг бирон жойида йўқ. Минг афсуки, ана шундай заминнинг қадрига етмас экансизлар...

Ҳа, Аллоҳ таоло бизга насиб этган бу қутлуғ маконни қадрламоқ ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бугунги кунда ерни авайлаш, ҳар бир ҳовучи тиллога тенг тупроғимизни асраш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Тобора кўзимиз очилиб бораяпти. Ишонаманки, вақти келиб, хориждан эмас, деҳқончилик бобида хорижликлар биздан ўрганадиган пайтлар келади.

ХУЛОСА ВА ҲАҚИҚАТ

Гарчи Аъзамхон ака Абдувалиевнинг суҳбати шу жойда тўхтаган бўлса-да, у айтган фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар ҳақидаги баҳслар, мунозаралар энди бошланар эҳтимол. Лекин, нима бўлганда ҳам у бир жойда ҳақ... Мустақиллик бизни — ўзбек ва ўзбек диёрини жаҳонга танитди, эндиликда унинг тақдирини ҳал қиладиган ҳам ўзимиз! Шундай экан, эл-юртни боқадиган энг муҳим соҳа — қишлоқ хўжалигини дадил оёққа турғазиш, бор билим ва маҳорат билан ислоҳотларни жадаллаштириш лозим. Балки, биз бугунги кунимизнинг, бугун қилаётган меҳнатимизнинг, бугун айтаётган сўзимизнинг тарих учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини унчалик ҳис этмаётгандирмиз. Лекин, ўтаётган кунлар, ҳатто, дақиқалар ўз мазмун-эътибори билан бизга сабоқ бўлаётгани рост.

Орамизда илгари ундоқ эди, илгари бундоқ эди, дейдиган эски замонни қўмсайдиган кишилар ҳам учраб турипти. Лекин, уларнинг тўйига ёки маъракасига боринг, дастурхонини кўриб, ҳавасингиз келади. Мана шулар бугунги тўкинчилик, мустақиллик рамзи эмасми? Демоқчиманки, ношукурлик Аллоҳга ҳам хуш келмайди. Қолаверса, замоннинг ўзи бундайларни янгича фикрлашга мажбур қилади.

Шундай гап юради: ўзбек замини шундай маконки, тупроғига қуруқ ёғочни суқиб қўйсанг ҳам томир ёзиб, гуллаб кетади... Ҳақ рост. Шундай улуғ неъматни қадрламоқ ва унда мўл-кўл ризқ ундирмоқ шу юртда яшаётган ҳар бир кишининг, ўзини деҳқонман деб ҳисоблаган ҳар бир миришкорнинг бурчидир. Мен суҳбат асосида халқимиз тўқлиги, юртимиз ободлиги йўлида ўзини аямайдиган Аъзам акага ўхшаш ўнлаб, юзлаб фидойи инсонлар борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бизни боқаётган ҳар бир ҳовуч тупроқ ҳам бизга — Ватан, биз шуни англадикми, демак, фаровонлик бизга ёр! Ва бутун дунёга барралла айта оламизки, мана шу ГУЛЛАБ ТУРГАН ВАТАН — бизникидир!

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ — ФАЗОГИР

ҲУРМАТЛИ "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти!
Телевидениедан ўзбек фарзанди Солижон Шариповнинг Америкадан фазога учганлиги ҳақида эшитиб қолдим. Бу ҳаммамиз учун фахрли, албатта. Агар иложи бўлса, фазогир ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз. Бу йигит ким ўзи? У қандай оилада вояга етган? Солижон бундай шарафга қандай эришди? Шулар ҳақида билиш мактабимиз ўқувчилари учун ҳам қизиқарли бўлур эди.

Ёқутхон МИРКОМИЛОВА,
Бекобод шаҳридаги 16-мактаб тарих ўқитувчиси.

ЎЗГАН қадимий, тарихий обидаларга бой, айни пайтда навқирон, гўзал шаҳар. Бу сўлим масканда кўплаб қариндошлар, дўстлар орттирганлигимиз учун у ерда ҳар йили бўлиб турамиз. Фазогир Солижон Шариповнинг болалиги ана шу шаҳарда ўтди. У ўрта мактабни тугатгач, отаси Шокиржон ака ва онаси Турсунхон аяларга учувчи бўлиш ҳақида сўз очди. Ота дастлабига эътироз билдирди. Турсунхон ая эса:

— Ўғлимизнинг раъйини қайтармайлик, дадаси, бир қобилиятини синаб кўрсин, — дея Солижоннинг Украинага бориб ўқишига йўл очди.

Аммо ўша йили баҳолари яхши ва аъло бўлса ҳам Солижон мандат комиссиясида бир балл етмаганлиги учун яна Ўзганга қайтди. Шундан сўнг Солижон Андижон ҳисобчилик (бухгалтерлик) техникумига имтиҳонларни муваффақиятли топширди. Техникумда С. Шарипов ўқитувчилар, курсдошлари орасида ўткир зеҳни, фанларни пухта ўзлаштириши, ташкилотчилиги ва ўта хушмуомалалиги билан тезда ҳурмат қозонди. Бу даргоҳда ҳам мактабдаги каби спортнинг бир неча турлари билан изчил шуғулланди.

Кўпинча якшанба кунлари Солижон ота-онасини, умр йўлдошини кўргани Ўзганга келар, тенгқурлари билан узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирарди.

Шундай гурунглардан бири бизга ҳам насиб қилган. Ўшанда Солижон: ўзим Ўзганлик бўлсамда чинакам учувчи бўлиш орзуси Андижонда туғилган, бу ердаги ўқишим пайтида техникум кутубхонасидан Владимир Жонибеков ҳақидаги китобларни, умуман, учувчиликка, космонавтикага доир адабиётларни, газета, журналларни ўқиб фазогир бўлишга астойдил аҳд қилгандим, дея сўзлаб берган эди.

Солижон ҳисобчилик техникумида бир йилча ўқир экан, уни парвоз қилиш иштиёқи тинимсиз тортаётганлигини дил-дилдан ҳис этди. Ва ҳарбий комиссариатга йўл олди. Ўша йили ўз орзусига кўра авиация қисмига юборилиб, хизмат бурчини ўтай бошлади. Болаликда инсон қалбига тушган чўғ алангаланмасдан қолмас экан. Ҳарбий қисмда ҳам учувчиликка оид техник адабиётларни мутолаа қилиб борди. Армиядан ота-она бағрига қайтгач, яна Харьковга йўл олди.

Йил сайин билимини ошириб, ҳар хил спорт турларида чиниққан, паҳлавон ўзбек ўғлонига бу гал иқбол кулиб боқди. Ҳамма имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, ҳарбий олий таълим учувчилар билим юртининг талабаси бўлди.

Мазкур ўқув даргоҳида Солижон билим доирасининг кенглиги, топширилган вазифаларни бажаришда ҳозиржавоблиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турарди. Ўқишни тугатгач, уни авиация қисмларидан бирида олиб қолишди. У энг тез учар самолётларда кўп марталаб парвозда бўлди. Бепоён фазо оғушида учар экан, дилидаги иккинчи орзу чўғи ҳам ўт олганлигини ҳис этди. Орадан кўп ўтмай С. Шарипов фазогирлар тайёрлаш маркази раҳбари Владимир Шаталовга космонавт бўлиш истагида эканлигини билдириб хат ёзди. У ердан тезда жавоб олди. Мактубда раҳбар Солижоннинг таржимаи ҳоли, ҳаёт йўли билан тўлиқ танишиб чиққанлигини баён қилиб, уни Бойқўнғирга таклиф этган эди. 1990 йилда С. Шарипов фазогирлар тайёрлаш марказига қабул қилинди.

— Ўғлим ҳали болалигидаёқ учувчиликка меҳр қўйганлигини сезган эдим, — дея ҳикоя қилганди бизга Солижонлар хонадонида бўлган суҳбат чоғида унинг онаси Турсунхон ая, — кўпинча бошқа болаларга ҳам ёд бўлиб кетган қўшиқ "Самолёт, самолёт, қанотингни пастлаб ўт, қанотингга хат ёзай, бувимларга ташлаб ўт", деган сўзларни қайта-қайта такрорларди. Гоҳида "Ая учувчи бўлсам, паст учиб келиб сизни ва дадамни самолётимга ўтказиб, катта шаҳарларни айлантириб келаман", дея қувониб қўярди. Ўғлимнинг ниятлари бирин-кетин ушалаётганлигига ҳурсандман...

— Фарзандим бу қадар иродали эканлигига ишонмагандим. Энди бўлса кўнглим тоғдек кўтарилиб юрибди, — дея суҳбатга қўшилганди Шокир ака.

Мана ўшандан бери 7 йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Солижон шу йилнинг 23 январь куни "Индевор" космик кемасида Флоридадаги космодромдан фазога парвоз қилди. У ёлғиз эмас. Сафдошлари — экипаж командири — Терренс Уилкотт, учувчи-командир Джо Эдуардс, астронавтлар Майкл Андерсон, Бонни Данбар, Джеймс Рейли ва Эндрю Томаслар билан бирга кемани фазодаги "Мир" орбитал станцияси билан туташтирди. Солижон зиммасига кораблга туташтириш, ажратиш ва экологик тадқиқотлар олиб бориш вазифаси юклатилган. Дастурга кўра, у бир ҳафтадан сўнг айрим сафдошлари ва (Эндрю Томас тўрт ой муддатга "Мир" станциясида қолади) бир неча ойдан бери фазода учиб юрган Девид Вульф билан ерга қайтади.

Ўзбек фазогири парвозга Ўзбекистон, Қирғизистон рамзлари туширилган белгилар билан бирга раҳматли онасининг қабридан олинган бир ҳовуч тупроқ, шунингдек, оила аъзоларининг суратлари билан учмоқда. Уларнинг орасида қизи Нигора,-ўғли Жаҳонгирнинг Хьюстонга йўллаган хатлари ҳам бор.

Биз Солижонга омадлар тилаймиз. Парвозинг муваффақиятли ўтсин, ўзбек ўғлони, дея ният билдирамиз.

Саидвали ҲАСАНОВ,
Тошкент—Ўзган—Тошкент.



Суратда: Солижон Шарипов (ўнгда) сафдоши билан .

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

XVIII Қишки Олимпия ўйинлари бошланишига 10 кун қолди.

НАГАНОДА ўтадиган навбатдаги қишки Олимпия ўйинлари сўзсиз жаҳон спорт жамоатчилигининг диққат-эътиборини тортяпти. 7 февраль куни кунчиқар мамлакатининг ушбу шаҳрида старт оладиган Олимпия беллашувларида жаҳоннинг 3 мингдан зиёд спортчилари қатнашиши кутилмоқда. Улар 13 тур бўйича мусобақалашадилар. Ватанимиз вакиллари ҳам қишки спорт турларида астасекин "ўз ўринлари"ни топишмоқда. Гарчанд серқуёш Ўзбекистон юртида қишки спорт турлари ҳали юксак даражада равнақ топмаган бўлса-да, вакилларимиз эришаётган натижалар қувонарли бўляпти. Бугунги кунда жаҳон биринчилиги ғолиби ва кубок эгаси фристайлчи Лина Черязовани ким танимайди, дейсиз! Муз устида нафис учишда Татьяна Малинина ҳам катта тажриба эгаси ҳисобланади.

— Наганода ўтадиган Олимпиадада Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қиладиган жамоамиз таркиби узил-кесил маълум бўлди, — дейди Ўзбекистон миллий Олимпия қўмитаси спорт федерациялари бўлими бошлиғи Алихон Бурхонов, — Лина Черязова, Татьяна Малинина, Роман Скорняков, Сергей Бренер, Комил ва Илмира Ўринбоева, Асқар Еникеевлар тараддуда якун ясаб, сафарга ҳозирлик кўришмоқда. Уларга зафар тилаймиз!

БИРИНЧИСИДА МАҒЛУБИЯТ, ИККИНЧИСИДА ҒАЛАБА, УЧИНЧИСИДА-ЧИ?

МОСКВАДА Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари ўртасида анъанавий қишки футбол турнири давом этмоқда. Кеча гуруҳларда сўнгги тур учрашувлари ўтказилиб, иккинчи босқич иштирокчилари маълум бўлди. Ўзбекистон чемпиони — Марказий ҳарбий спорт клуби жамоаси биринчи кун Киевнинг "Динамо" жамоаси билан учрашиб, 0:3 ҳисобида енгилди. Иккинчи турда вакилларимиз Эстониянинг "Тулевик" футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлуб этишди. Кеча учинчи тур ўйинлари ўтказилди. МҲСК Озарбайжоннинг "Капас" жамоаси билан учрашди.

ТАҚВИМ ТАСДИҚЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН футбол федерацияси ижроқўми ўзининг навбатдаги йиғилишида бир қатор масалаларни кўриб, янги мавсум тақвимини тасдиқлади. Мамлакат VII миллий чемпионати ўйинлари 18 март куни бошланиб, ноябрь ойининг дастлабки ҳафтасида поёнига етади. Франсияда ўтадиган жаҳон биринчилиги мусобақалари кунлари футболчиларимиз таътилга чиқишади. Чемпионат беллашувлари 18 мартдан бошланса-да, жамоалар яна икки ҳафтадан кейин майдонга чиқиб, Кубок беллашувларининг дастлабки босқич ўйинларини бошлашади.

Олий табақа жамоалари баҳсида бу йил вилоятимиз спорт шарафини "Дўстлик" ва ўтган йилги биринчи табақа вакиллари баҳси ғолиби бўлган Бекободнинг "Металлург" клублари ҳимоя қилади. Чемпионат байроғи кўтариладиган кун бу икки жамоа Бекободда ўзаро рўбару келади. Шу куни "Пахтакор" Наманганда, "Нефтчи" Термизда меҳмон бўлади. "Зарафшон" "Насаф"ни, "Хоразм" "Трактор"ни, "Сўғдиёна" "Андижон"ни, "Бухоро" "Темирйўлчи"ни қабул қилади. 22 март куни ўтадиган иккинчи турда "Хоразм" "Дўстлик", "Металлург" "Насаф" меҳмони бўлади.

Биринчи давра учрашувлари 21 июнда ниҳоясиға етади.

БЎКАДА БИР ҲАЖВЧИ БОР...

Бўкалик ижодкор Рустам Худойқул — мутахассислиги бўйича журналист. Туманда маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда жонкуярлик кўрсатаётганлардан бири. У "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳомийси" нишонининг соҳиби ҳамдир.

Айни пайтда туман маданият ишлари бўлими мудири вазифасида фаолият кўрсатаётган Рустам Худойқул ижодни ҳам тўхтатгани йўқ. У кўпроқ ҳажв усулида ҳикоя ва интермедиялар машқ қилади. Ғафур Ғулом нашриётида босилган "Ғаройиб қиёфалар" ҳажвиялар тўпламининг муаллифи.

Қуйида унинг ижодидан намуна ўқийсиз.

ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР БЕЛКУРАГИ

(Ҳажвия)

Ишдан қайтаётган Бердиёр "Ўзга сайёраликлар супермаркет магазини" деб ёзилган улкан лавҳага кўзи тушди-ю, лоп этиб бугун эрталаб хотини билан бўлган можаро ёдига тушди.

...Ҳамма гавғо туғилган кунига қайнонаси совға қилган кўйлакдан бошланди.

— Кеча сиз ишда вақтингизда бирров келиб кетай деб, қишлоқдан аям бечора чиққан эдилар, — деди эрталаб нонуштадан кейин кийинаётган эрига Салимахон, — Исфарадан олиб келдим, куёвим албатта кийсин деб, мана шу кўйлакни ташлаб кетдилар.

Бердиёр шиқилдоқ қопчиқдан кўйлакни чиқарди-ю, лабини бурди.

— Ҳей менга қара, кечирасан-у, нейлондан тикилган кўйлакни, ҳозир қамоқхоналардаги аристонларга ҳам зарарли деб, беришмайди.

— Онамни қилгани сизга қачон ёққанди-ю, энди ёқсин, — деб Салимахон эрини қўлидаги кўйлакни тортиб олиб, асабийлашган ҳолатда тўғноғичларини чиқариб ташларкан, деди. — Ўзлариям бу инжиғингга ёқмаса керак дегандилар. Қани кийиб кўрингчи, бу мешқорнингизга тўғри келадими-йўқми ҳали?

Кўйлакни кийиб тошойнага қараган Бердиёр ўз-ўзидан хохолаб кулиб юборди. Зардасини босолмай тумшайиб турган хотини ҳам, нима гап, дегандек тошойнага қараганди, чор-ночор кулимсиради. Чунки кўйлакнинг этаги тўнкарилган чойнак қопқоғига ўхшаб киндигидан тепароқда қолиб кетганди.

— Бўлди, ечақолинг! Мақсадингизга эришдингиз! Сандиққа ташлаб қўяман, яқинда қиз чиқарадиган одамман, олди-бердига қўйиб юбораман, — деди сал юмшаган бўлса ҳам ҳали жаҳлини босолмаган Салимахон.

— Ойим мени ҳалиям 18 яшар йигит деб юрибдиларми дейман-а, — деди кўйлакни ечаркан Бердиёр, — ўша йигит 50 га бориб қолди.

— Йўқ ўзингиз бир қаранг, гавдангизни ярмини кўрмайсиз. Яхшиямки шаҳарда яшамаймиз, сиз билан кўчада юришгаям номус қилардим, бўлмаса. Ўзингиздан олдин эшикдан қорнингиз кирса, кулги бўлманг дейман-да.

— Хўп ман нима қилай хотин, — деди сал ҳовридан тушиб эр.

— Белкурак билан томорқани чопинг, сал озасиз, ўзингиз ҳам енгил тортасиз, — деди хотини...

...Баландлиги Отариқтепадан ҳам салобатли қора ойнаванд. Бунақа биноларни Бердиёр фақат телевизордагина кўрган эди. "Бизни жойлар ҳам шаҳарга яқинлашиб қолибди-да" ўйларди ўзича у.

Супермаркет эшигини икки томонида иккита башанг кийинган йигит Бердиёрни "Ассалому алайкум", деб кутиб олди. Бердиёр уларни ҳеч ўзимизни одамларга ўхшатолмади. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши, жуда қишлоқи экан деб, ўйламасликлари учун таваккалига, "Намасте" деб жавоб берди.

Ичкарига қадам қўйди-ю, пештахталардаги турли-туман буюмлардан оғзи очилиб қолди. Хаёл суриб, — Сизга нима керак, жаноб, — деган кимнингдир овозига қулоқ ҳам солмади. Қаршисидан келаётган аёлни кўриб, хуши оғди. Шим кийган, ялтироқ кўйлакдаги бунақанги хурлиқоларни у шаҳар магазинлари витриналарида тош қотиб турганини кўрганди, холос.

Бердиёр шарт четга чиқиб, унга йўл берди. Хурлиқо эса унга қараб келарди, — Ҳурматли харидор, мен сизнинг хизматингиздаман, — деди Хурлиқо.

Бердиёр илжайди: — Кечирасиз, қайси маънода.

— Тўғри маънода, — деди Хурлиқо, — Нима харид қилмоқчисиз?

— Э, ҳа, бу маънодами? — ўзига келди Бердиёр, — белкурак сотволмоқчийдим, — деди.

— Марҳамат, — деди Хурлиқо ва қўлидаги гугурт қутига ўхшаган нарсанинг мурватини босганди, ёнидаги улкан ойнаванд жавон очилди.

Бердиёр энди баттар ҳайратга тушди. Дунёда шунча турдаги, шунча хилдаги белкурак борлигини хаёлига ҳам келтирмаган экан.

— Бизда белкуракнинг 5 минг хили бор, — деди Хурлиқо. — Сизга қанақаси керак?

— Бўлаверади, ер чопса бўлди-да, — деди Бердиёр анграйганча.

— Бизда умумий гап кетмайди, — деди яна Хурлиқо, — майли масалани Сизга мослаб, соддалаштириб савол бераман.

— Марҳамат... мадам, — деди Бердиёр ахмоқ эмаслигини кўрсатиш учун.

— Масалан, кавлайдиган ерингиз қаттиқми, юмшоқми? Неча йилдан бери чопилмай ётибди? — деди Хурлиқо.

— Албатта, қаттиқ, яқин йилларда чопилмаган, қисқаси дангасанинг белкураги, сингил, — деди Бердиёр.

— Мен тушундим. Дангаса эмас, бошловчи бизнесмен дейилади, — деди Хурлиқо.

Хурлиқо гугурт қутига ўхшаш нарсанинг мурватини босганди, олдидаги пештахтада қоғозга ўралган бир замбил нарса пайдо бўлди.

Бердиёр ҳайратга тушганини билдирмаса ҳам, Хурлиқо тушунтирди:

— Бу белкурак, бу дастаси, бу бошқарув аппарати, бу эҳтиёт қисмлар...

— Тушунарли, — деди Бердиёр, гарчи ҳеч нарсага тушунмаса ҳам, — қани энди ювмаймизни белкуракни?

— Йўқ, оғайниларингиз билан чойхонада биз учун ҳам ювасиз. Биринчи харидор бўлганингиз учун реклама сифатида белкурак комплексини текинга берамиз.

Қишлоқ далаларини айланиб, кабинасига "Супермаркет" деган лавҳа ёзилган ажнабий автомашина Бердиёрларнинг бир қаноти ичкарига, бир қаноти ташқарига очиладиган занг босган дарвозаси олдига келиб тўхтаганда ичкаридан олдинма-кейин ити ва хотини чиқишди.

Машинадан виқор билан Бердиёр тушди. Хурлиқо эса бир замбил нарсаларни кўтариб, дарвоза олдига келди-да, қаерга қўяй, дегандай Бердиёрга қаради.

— Ичкарига! — деди у буйруқ оҳангида.

— Қаёққа? — унинг йўлини тўсди Салимахон. — Ўзинг кимсан? Ким сени бу ерга чақирди? Қўлингдаги нима?!

— Белкуракни олиб келди, бу мени помошнигим, — деди Бердиёр.

— Помошникми? Ўйнашми? Нега машинада эркак киши билан илакишиб юрибди? — деди Салимахон.

— Кечирасиз, Хоним, мен ўйнаш эмас, роботман. Бизнинг фирма харид қилинган нарсаларни уйига элтиб беради, — деди йиғламсираб Хурлиқо.

"Хоним" деган сўз маъқул тушди шекилли, Салимахон юмшаб, — Уйга киринг синглим, — деди.

Машина қишлоқнинг чанг кўчаларида кўздан йўқолиши билан маҳаллада миш-миш бошланди. "Нима дейсан, Бердиёр катта ишга қўтарилибди, энди машинада юраркан, помошниги ҳам бор экан".

Кечаси супада ухлаб ётган Бердиёрни хотини уйғотиб сўради:

— Хўжайин, ростдан ҳам шунча темирни текинга бердими-а?

— Текин дедим-ку, сенга, реклама экан, — деди кўзини ишқалаб Бердиёр.

— Майлию, лекин, кеча телевизорда кўрсатишди, ракеталарни эритиб, темиридан белкурак ясашаяпти экан. Парпи сатангнинг гапига қараганди, ундан нур чиқаркан, одамни секин аста ўлдираркан, — деди Салима кўзлари ола-кула бўлиб:

— Ўзим ҳам бир балоси бордир, дегандим-а, — деди Бердиёр сергакланиб. — Ҳозир текинга кафан ҳам бичишмайди.

— Хўжайин, мен нурландимов, кўнглим айниганга ўхшаяпти, — деди Салимахон.

— Балки, бошқоронғи бўлгандирсан, — деди Бердиёр.

— Ўлинг-э, эллиққа кирганда туғаманми? Е тўққиз бола камми сизга, — йиғламсиради Салимахон.

— Ҳисобга тўғри қилиб, ўнтага етказиб қўясанми девдимда? — деди Бердиёр. — Ҳазиллашдим онаси.

Хуллас, чол-кампир, нима бўлсак биз бўламиз деб, белкуракнинг лаш-лушларини оғилхонанинг нарёғига олиб чиқиб ташлашди.

Эртасига Хурлиқони бир кўриб ўтай деб, супермаркетга кирган Бердиёр ҳайратдан ёқа ушлади. Чунки, кечагина савлат тўкиб турган ойнаванд осмонўпар бино таг-туги билан йўқ эди.

Шу ердаги хўжалик моллари магазини сотувчиси унинг саволига шундай жавоб берди:

— Бу ўзга сайёраликлар маҳсулотини арзон сотиб, бозоримизни касод қилишига оз қолди. Бир оғиз гапимиз билан солиқчилар танобини тортиб қўйишди. Текшир-текшир бошланди. Тафтиш тугагунча ўзининг сайёрасига сургун қилинди. Баттар бўлларинг, дедим.

Кечкурун қишлоқ автобусида аранг уйига етиб келган Бердиёрни оламшумул янгилик кутарди.

— Бу Тиркашингиз бало чиқди, дадаси, — деди Салимахон. — Кечаги темирларни ишга солиб, бир жойда ўтирганича томорқани юмшатиб бўлди. Ҳозир Неъмат аканикига ўтди.

Бир текисда ернинг ҳайдалганини кўрган Бердиёр ҳайратини аранг яшириб деди:

— Мен сенга ёмон нарса олиб келаманми? Шохотни олиб чиқ, мен чойхонага кетдим.

— Қўшнилар сўрашяпти, белкурак мошина топиб берса, пулини тўлардик дейишяпти, шунга нима дейсиз, — деди эрига шохмотни тутқазаркан Салимахон.

Бердиёр эса кулимсираб деди:

— Сенларга ўзга сайёраники эди десам, ё менга ишонмайсанлар, ё мени жиннига чиқарасанлар, яхшиси эгаси шу белкуракдан битта ясабди-ю, ўлибди, деб қўяқол.

Рустам ХУДОЙҚУЛ.

Бу қизиқ

ЯШИЛЛИК ҲИМОЯЧИЛАРИ

ҲИНДИСТОННинг Уттар-Прадеш штатида яшовчи табиат ошиқларининг саъй-ҳаракатларини атроф-муҳитни ҳимоя қилувчиларга ўрнак сифатида кўрсатса бўлади. Табиат ошиқлари бу ерда "Чипко-Андолан" — "Дарахтни қучоқла" деб аталган жамият тузганлар.

Мабодо жамият аъзоларининг бири қаердадир бирорта дарахт кесилиши мумкинлигидан огоҳ бўлса, у ҳақда ўз ҳамфикрларига дарҳол хабар қилади. Жамият аъзолари ўша заҳоти воқеа содир бўладиган жойга тўпланадилар.

Ўрмон кесувчилар қайси дарахтга яқинлашсалар, жамият аъзолари ўша яшил тупни ўраб оладилар ва:

— Марҳамат, дарахтни кесмоқчи бўлганлар бизни ҳам бирга кессин, — деб қичқирадилар.

ЯНА ОҚ ТУСГА ҚАЙТИШДИ

АЙРИМ жониворлар юнгига ям-яшил микройўсинлар ўтиши мумкинлиги тадқиқотчиларга аён эди. Лекин, Американинг Сан-Диего шаҳридаги ҳайвонот боғида рўй берган ҳодиса қаммани ҳайрон қолдирди. У ердаги оқ айиқлар бирданига яшил тусга кирдилар.

Бир-бирига ёпишиб яшовчи бу йўсинлар қутб айиғининг биқинларигагина ёпишмасдан, уларнинг ичидаги ғоваккa ҳам кириб олган экан. Совунлаб ювиш ҳам, дорилар ҳам фойда бермади.

Яшилликни ювишнинг биргина давоси магний тузи қўшилган денгиз суви бўлиб чиқди. Мана шу сувдан фойдаланилгач, айиқлар бир ҳафтадан кейин яна оқ тусга — ўзларининг асл ҳолига қайтдилар.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

АЛЕН ДЕЛОН — КИНОЭКРАНЛАРИМИЗ МЕҲМОНИ

Тошкентда француз фильмлари фестивали бошланди. Унда жаҳондаги энг машур киноактёрлардан бири Ален Делон иштирок этган фильмлар намойиш этилади. Фестивални Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил этган.

"Самурай" фильми намойиши билан бошланган фестивал Тошкентда 8 февралга қадар давом этади. Француз киноусталарининг ишлари кейин Бухоро, Навоий, Самарқанд шаҳарларида намойиш этилади.

Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар фестивал очилишида қайд этганидек, республикамизда бу йил ўнинчи марта ўтказилаётган француз киноси кунлари ҳар доим катта муваффақият қозонади. Бу халқларимиз маданиятларининг тобора яқинлашиб бораётганидан дарак беради. Ҳозирги фестивал ҳам бу улуғ ишга хизмат қилиши шубҳасиз.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ҲИНДИСТОН ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон бадиий академиясида "Ҳиндистон ўзбек рассомлари ижодида" деб номланган кўргазма очилди. Ҳиндистоннинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу кўргазма Ҳиндистон мустақиллигининг 50 йиллигига бағишланди.

Кўргазмада Чингиз Аҳмаров, Акмал Икромжонов, Акмал Нуриддинов, Саъдулла Абдуллаев, Игор Гуленко каби мўйқалам усталарининг қарийб қирқта асари намойиш этилмоқда.

Икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи бу кўргазма Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида ҳам намойиш этилади.

(ЎзА).

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қараганда, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг айрим туманларида 28 январь — 1 февраль кунлари вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиб туриши кутилмоқда. Ҳарорат кечалари 2 даража совуқ, 3 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари эса, ҳавонинг 3—8 даражадан 13 даражагача исиши кутилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг навбатдаги сони 30 январь куни чиқади.

ЭЪЛОНЛАР

БУЮРИШ СИЗДАН, ХИЗМАТ БИЗДАН!

Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига.

"Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими шу йилнинг 15 февралигача жойларда "НАВРЎЗ" тантаналарини комплекс ташкил этиш ёки бадиий жамоалар ҳамда яккахон хонандалар билан таъминлашга буюртмалар қабул қилади.

Буюртмаларга ҳақ тўлаш келишилган ҳолда амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 64-84-93, 64-83-43
Манзилимиз: Қибрай тумани, Дўрмон қишлоғи, Марказий кўча, 85 уй.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ
Тел: 90-36-74.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0890. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 14.031 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6